

IX. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2020 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 71,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 99,4 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 872,6 млн.тн-км. бўлиб, 95,2 фоиз ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2020 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнига нисбатан, фоиз ҳисобида
--	-------------------------	---

Ташилган юк, млн. тн	71,6	99,4
----------------------	------	------

шу жумладан:

автомобил транспортида	71,6	99,4
------------------------	------	------

Юк айланмаси, млн. тн-км	872,6	95,2
--------------------------	-------	------

шу жумладан:

автомобил транспортида	872,6	95,2
------------------------	-------	------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йил январь-июнга нисбатан 4,7 фоизга камайди ва 111,4 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 12,8 фоизни ташкил этди (2019 йил январь-июнида 12,8 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2020 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 525,4 млн.киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,0 фоизга камайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 15,6 фоизга камайиб, 4781,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

**Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи
айланмаси қўйидагича ифодаланади**

	<i>2020 йил январь-июнь</i>	<i>2019 йил январь-июнга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
--	---------------------------------	--

Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	525,4	81,0
шу жумладан, автомобиль транспортида	506,1	95,2
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	4781,9	84,4
шу жумладан, автомобиль транспортида	4641,1	87,3

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2019 йил январь-июнга нисбатан 10,0 фоизга камайди ва 2956,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 63,7 фоизни ташкил этди (2019 йил январь-июнида 61,8 фоиз).